

ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЭЛЕКТРОН НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Саломов Хумоюн Бобурмирзо угли

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти

етакчи илмий ходими

Salomov.x.b@gmail.com

***Аннотация:** Ушбу мақолада жамиятнинг барча жабҳаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш чораларини кўриш, хусусан тергов мобайнида барча ҳаракатларнинг қонуний ва ҳолис ўтказилиши устидан электрон назорат олиб боришни ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** электрон тергов назорати, жиноят иши ҳужжатларини сир сақланиши, қарорларни қабул қилиш жараёни, электрон тергов назорати механизми, э-тергов платформаси.*

ВОПРОСЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ЭЛЕКТРОННОГО НАДЗОРА ЗА СЛЕДСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ

Саломов Хумаюн Бобурмирзо Угли

при Президенте Республики Узбекистан

Институт законодательства и правовой политики

ведущий научный сотрудник

Salomov.x.b@gmail.com

***Аннотация:** в данной статье анализируются конкретные аспекты принятия мер по обеспечению прав и свобод человека во всех сферах жизнедеятельности общества, в частности, проведение электронного контроля за законным и беспристрастным проведением всех действий в ходе расследования.*

***Ключевые слова:** электронный контроль расследования, конфиденциальность документов уголовного дела, процесс принятия*

решения, механизм электронного контроля расследования, платформа электронного расследования.

ISSUES OF IMPLEMENTING ELECTRONIC SURVEILLANCE OVER INVESTIGATION ACTIVITIES

Salomov Khumoyun Boburmirzo ugli

Leading Researcher, Institute of Legislation and Legal Policy under the President of the
Republic of Uzbekistan

Salomov.x.b@gmail.com

Abstract: *This article presents a comparative analysis based on regarding measures to ensure human rights and freedoms in all spheres of society. It specifically examines the unique aspects and effectiveness of conducting electronic surveillance over the lawful and impartial execution of all actions during investigations.*

Keywords: *electronic investigative supervision, Confidentiality of criminal case documents, decision-making process, electronic investigative supervision mechanism, e-investigation platform.*

Замонавий технологияларнинг жадаллик билан ривожланиши барча жабҳаларда, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тергов фаолиятида ҳам қўлланишига олиб келмоқда. Терговни электрон назорат қилиш тизими орқали мазкур жараёнда шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишини бевосита кузатиб бориш билан бирга терговни мувофиқлаштириш имконини берувчи ўзига хос филтр вазифасини бажарувчи платформа яратилмоқда.

Янги Ўзбекистонда изчиллик билан олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар жараёнида қабул қилинган Конституциямизнинг энг асосий тамойиллардан бири тариқасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва

кадр-қиммати олий қадрият этиб белгиланиши мазкур соҳада амалга оширилаётган сай-ҳаракатларнинг пойдевори тарифасида хизмат қилмоқда.¹

БМТнинг махсус маърузачиси Диего ГарсияСаянни Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига тақдим этилган маърузасида, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан, мамлакатда амалга оширилган чора-тадбирлар суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва адвокатлар томонидан профессионал фаолиятни эркин амалга оширишни ўз ичига олганлиги, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ичида Олий суд веб-сайтида суд қарорларининг мунтазам равишда эълон қилиниши ва ошкораликни ошириш ва одил судловга эришиш учун электрон жараёнларни босқичма-босқич жорий этиб келинаётганлиги алоҳида таъкидланган.²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.01.2025 йилдаги “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сон Фармонида, тергов фаолияти устидан назоратни электрон шаклда олиб бориш имконини берувчи рақамлаштирилган тизим яратишга қаратилган устувор вазифа белгиланган.³

Хусусан, Фармоннинг 87-мақсади 21-бандида, тергов фаолияти устидан назоратни тўлиқ электрон шаклда олиб бориш имконини берувчи “Электрон жинойий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимининг “Э-тергов” модулини ишлаб чиқилиши орқали тергов органининг процессуал

¹ <https://constitution.uz/uz>

² “Ўзбекистон суд тизимини ҳозирча мустақил дея олмаймиз” // БМТнинг махсус маърузачиси Диего ГарсияСаян маърузаси. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/17/review/>; <https://undocs.org/ru>

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2025 й., 06/25/16/0119-сон <https://lex.uz/uz/docs/7369703>

қарор ва ҳаракатларнинг қонунийлиги ва асослилига ҳуқуқий жиҳатдан баҳо бериш орқали терговни тўлиқ ва холис олиб борилишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.10.2018 йилдаги “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5566-сон Қарори билан “**Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика**” тизими жорий этилган бўлиб, ушбу электрон платформада суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар хусусан, “жиноят ишини қўзғатиш, гумон қилинувчи тариқасида жалб этиш, айбланувчи тариқасида жалб этиш, жиноят ишини тугитиш, тўхтатиш ва айблов хулоса”ни бириктирилиши ва назорат қилувчи прокурор томонидан мазкур қарорларнинг қонунийлиги ўрганилиб, электрон равишда тасдиқланиши имконини беради.

Бироқ, мазкур тизимни такомиллаштириш зарурати вужудга келмоқда, сабаби ушбу тизимга қарорларни ўз вақтида бириктирилмасдан жиноят ишини судга юбориш босқичида тизимга юкланиши оқибатида терговни назорат қилиб боровчи прокурор томонидан жиноят иши бўйича терговчи қабул қилинаётган қарорларни қонунийлигини ўрганиши самарасини ва аҳамиятини йўқотишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, суриштирувчи ва терговчи ҳар бир қабул қиладиган қарорларининг нусхасини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 382-моддасига асосан назорат қилувчи прокурорга юборишлари белгиланган. Амалиётда эса, аксарият ҳолларда тергов органи қабул қилинган қарорлар прокурорга юборилмаслиги ҳолатлари мавжуд.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Финляндия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг интеграциялашган “Justice” ахборот тизими 63 та суд округи, 6 та апелляция судлари ва Финляндия Олий судига хизмат кўрсатади. Тизим 30 тажазони ижро этиш муассасаси, криминал полиция ва прокуратура органлари, суд қарорларини ижро этиш идоралари, жиноятлар учун жарима ундириш бошқармаси жорий этилган.

Тизимда судга қадар босқичда тергов органини вертикал равишда юқори турувчи полиция раҳбарияти, прокуратура ва суд томонидан назорат қилиш имконини беради.⁴

Россия Федерацияси прокуратура органларида “Надзор” номли электрон платформа ёрдамида прокуратура органлари томонидан терговнинг олиб борилиши ҳамда терговнинг ҳар бир қарори электрон тартибда юборилиб, прокурор томонидан тасдиқлангандан кейин қонуний кучга эга бўлиши белгиланган бўлсада, бу каби ҳолатлар теровчи шахси мустақиллигига дахл этиши мумкин.⁵

Терговни назорат қилишда рақамли технологияларни тадбиқ этишининг самарали жиҳатларидан бири, терговни назорат қилиб боровчи прокурор томонидан жиноят ишини ўрганиш учун чақириб олиш жараёни билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этади, яъни, жиноят ишини чақириш тўғрисида ёзма хат, уни рўйхатдан ўтказиш, сўнгра жавоб хатига илова қилган ҳолда жиноят ишини юбориш, назорат таритибида ўрганиб чиқилган тергов органи томонидан бажарилиши зарур бўлган ҳаракатлар белгиланган

⁴ <https://www.infofinland.fi/ru/information-about-finland/legislation-and-rights#heading-2a1e8cca-99f7-41e3-b0d6-1b792afb966f>

⁵ <https://www.tadviser.ru/index.php>

ёзма кўрсатмалар бериш, жиноят ишини тергов органига қайтариш ҳамда тергов муддати бузилишини олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шунини маълум қилиш керакки, "Э-тергов" электрон модули тизимли таҳлил ва сифатли назоратни йўлга қўйиш, прокурор назоратини амалга оширишда маълумотларнинг аниқ, ишончлилиги ва янада малакали қайта ишлашни таъминловчи замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштирибгина қолмай, ҳодисалар ва воқеаларни электрон тарзда тергов қилиш, ундаги процессуал ҳужжатлаштириш жараёнини автоматлаштириш учун мўлжалланган бўлиб, унинг ёрдамида жараёни назорат қилиш, маълумотларни ҳисобга олиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва ҳисоботлар тайёрлаш мумкин. Бу тергов жараёнини янада шаффоф ва ташкил этилган ҳолга келтиради, бу эса ўз навбатида ишнинг самарадорлиги ва аниқлигини оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. <https://constitution.uz/uz>.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2025 й., 06/25/16/0119-сон <https://lex.uz/uz/docs/7369703>.
3. “Ўзбекистон суд тизимини ҳозирча мустақил дея олмаймиз” // БМТнинг махсус маърузачиси Диего ГарсияСаян маърузаси.
4. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/17/review/>.
5. <https://undocs.org/ru>.